

O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani
НОКИМИ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ХОКИМА
Самаркандского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

2013 у.р. “14” август № 809-К Самарқанд т-р Самарқанд

“NEGMATJON FAYZ METAL” масъулияти чекланган жамиятига тайёр тунукага ишлов бериш устохонаси куриш учун ер майдони ажратиш ҳақида

Туман ҳокимининг 2012 йил 16 январдаги 15-К сонли ер танлаш қарори, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2013 йил 12 апрелдаги 34-сонли баённомаси, Давлат экологик экспертизасининг 2012 йил 22 июлдаги 824-сонли хулосаси, Самарқанд туман архитектура ва қурилиш бўлимининг 1011-сонли Архитектура-режалаштириш топшириғи ҳамда “NEGMATJON FAYZ METAL” масъулияти чекланган жамиятининг туман ҳокими номига ёзган хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2013 йил 12 апрелдаги 34-сонли баённомаси тасдиқлансин.

2. “NEGMATJON FAYZ METAL” масъулияти чекланган жамиятига тайёр тунукага ишлов бериш устохонаси куриш учун ер майдони танлаш ҳақидаги туман ҳокимининг 2012 йил 16 январдаги 15-К сонли ер танлаш қарорига асосан жами 0,20 га (шундан: 0,20 га “Гулистон-агротехсервис” агрофирмаси ер харитасининг 487-контуридан туман захирасидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.

3. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2014 йил 1 январ ҳолати ер балансида ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (О.Исмоилов) ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Т.Шаропов)га топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Садуллаев